«ЧХУНХЯН ҲАҚИДА ҚИССА»ДА РЕАЛИСТИК ҒОЯЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

У.Т.Сайдазимова

Мақолада «Чхунхян ҳақида қисса»даги реалистик тенденциялар таҳлил этилиб, материални тушунтиришнинг янгилиги асослаб берилади. Корейс қиссаси қаҳрамонларининг бошқалардан ажралиб турувчи алоҳида хусусиятлари тавсифланади, мотивлар кўриб чиқилиб, уларнинг воқеликни акс эттиришдаги роли кўрсатилади.

Калит сўзлар: *реалистик тенденция, ғоя, сюжет, қисса, қаҳрамон.*

В статье анализируются реалистические тенденции в «Повести о Чхунхян». Обосновывается новизна подачи материала. Дается характеристика отличительных черт героев корейской повести. Рассматриваются социальные мотивы и их роль в воспроизведении действительности.

Ключевые слова: *реалистическая тенденция, идея, сюжет, повесть, герой.*

The paper analyzes the realistic tendencies in the "Tale of Chhunhyan" it also substantiates the novelty of the material as well as the characteristic distinguishing features of the heroes of the Korean novel. We consider the social motives and their role in the reproduction of reality.

Key words: *realistic trends, plot, story, character, manner.*

"Чхунхян ҳақида қисса"ни ҳақли равишда XVIII аср корейс адабиёти дурдонаси деб аташ мумкин. Қисса сюжети халқ оғзаки ижодидан олинган бўлиб, илк адабий варианти яратилишидан анча илгари халқ орасида кенг тарқалган [1.64]. XVIII аср охирларида номаълум муаллифнинг ушбу сюжет асосига қурилган қиссаси пайдо бўлди. Кейин шу сюжетнинг бир неча ишлов берилган вариантлари нашр этилдики, бу асарнинг Кореяда қанчалик оммалашганидан далолат беради. Қиссани, ҳақиқатан ҳам, Кореяда феодал жамият инқирозга юз тутган тарихий даврни акс эттирувчи адабий ёдгорлик сифатида баҳолаш мумкин.

XVIII аср охирларида яратилган насрий асарлар асосини реал инсонлараро муносабатлар ташкил этади. Ўша даврданоқ сеҳргарликка хос бўлган функциялардаги фарқлиликлар кўзга ташлана бошлаган. Агар бунгача инсон тақдирини ғайритабиий кучлар ҳал қилган ва инсон фақат тақдири азалга бўйсуниб келган бўлса, XVIII асрга келиб мистик ва фантастик ибтидо таъсири пасая бошлади. Инсон ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилиш имконига эга бўлди. Бу эса бадиий адабиётда воқеликни акс эттиришнинг реалистик методи ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилди [2.153]. Бундан ташқари, ечимларнинг фантастиклиги ҳам реализмнинг бадиий метод сифатидаги ғалабасининг тан олиниши учун асос бўла олмас эди. Ҳолбуки, демократик насрнинг энг яхши намуналарида ушбу йўналишда жиддий қадам қўйилган эди. Конфликтлар, манфаатлар тўқнашувларининг ҳақиқатга яқин ечим топиши тенденцияси адабиётга секин-аста кириб кела бошлади. Материални тушунтиришнинг янгилиги, сюжетнинг ўзи – буларнинг барчаси таҳлил этилаётган "Чхунхян ҳақида қисса"да ўз аксини топган. Қиссада уезд хўжайинининг ўғли – аслзода ўспирин ва анъанавий жамиятда энг паст табақада турувчи ашулачи ва раққоса кисэннинг қизи орасидаги ғайриқонуний севги ҳақида ҳикоя қилинади.

Ижтимоий тўсиқ қаҳрамонларга монеъ бўла олмайди: йигитнинг отаси истамаса-да, улар бир-бирларини севадилар, яширинча учрашиб, охири яширинча никоҳдан ўтадилар. Бироқ ота-онаси йигитни шаҳарга олиб кетади. Чхунхянга ҳукмдор хиралик қилиб, мажбурламоқчи бўлади. Бу ерда фожиавий тугун учун асос пайдо бўлганини кўрамиз: тақиқланган ғайриқонуний ишқ-муҳаббат. "Иккала томон бир-бирига душман-ку! – дейди Чхунхян умидсизликка тушиб қайғуда, - олижаноб кишилар ва оддий одамлар, аслзодалар ва камбағаллар – ҳар доим бир-бирларига душман бўлиб келишган" [3.58]. Умидсизлик ичида айтилган бу монолог Ромео ва Жульеттанинг севги қиссасини эслатувчи фожиавий ечим бўлур эди. Лекин корейс қиссалари қаҳрамонлари асар якунида, чеккан азоб-уқубатлари ниҳоясида бирга бўлишади ва бахтли оила қуришади. Бу қиссани Шекспир асарларига қиёслар эканмиз, озод шахснинг адолатсиз жамиятга нафратини ҳис қиламиз. Ёзувчи қаҳрамонларнинг индивидуал ўзига хослигини образли қилиб акс эттиради, уларнинг ҳис-туйғусига тегишли бўлмаган барча нарсадан воз кечганларини таъкидлайди.

Корейс қиссаси қаҳрамони учун унинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган исми муҳим ва буни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Шу сабаб ҳам у Шекспир қаҳрамони каби ўз хонадони номини севгиси учун поймол қилишни ўйламайди. Бундан жамият асосларининг мустаҳкамлигини англаш мумкин. Жамиятга қарши исён кўтаришни асар қаҳрамони хаёлига ҳам келтирмайди. Корейс қиссасида асар қаҳрамонининг шахсий сифатлари унинг жамиятда эгаллаган мақомига мувофиқ эмас деган фикр аниқ намоён бўлади: асар қаҳрамони табиатига кўра конфуцийликка эътиқод қилувчи аёл, эгаллаб турган ижтимоий мақомига кўра эса – бир кисэн қизи. Ана шундай бир вазиятда зиддиятнинг ечими жуда ҳам содда: барча синовларни енгиб ўтган қиз ўз орзусига етади.

Қиссада севги муаммоси, аниқроғи, платоник ишқ-муҳаббат эмас, ҳис-туйғу ва эҳтиросларга бой ишқ-муҳаббат муаммоси кўтариб чиқилган. Асар қаҳрамонининг исми ҳам “баҳор ифори” маъносини англатади. Яъни бу ишқ-муҳаббат илк баҳорда она табиатнинг уйғониши билан бир қаторга қўйилади. Инсоннинг хатти-ҳаракати табиат билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги асосий фикр, ғоя бутун асарнинг лейтмотиви сифатида намоён бўлади [3.10].

Қиссада ўз даври учун ўта долзарб ижтимоий мотивлар кенг ўрин олган. Феодал жамиятнинг иерархик бўлиниши ўта ҳаққоний, ҳаётий ва ишонарли қилиб берилган. Давлат амалдорлари, провинцияларда юқори мансабларни эгаллаб олган янбанларнинг ўз ҳуқуқ ва масъулиятлари, хизмат вазифаларини ҳадсиз-чегарасиз суиистеъмол қилган ҳолда олиб борган қабиҳ ишлари танқидий акс эттирилган. Шундай золим шахслардан бири сифатида уезднинг янги бошлиғи Пен Хан То гавдаланади. У ва унга ўхшаган персонажларни акс эттириш, амалдорларнинг қусур-камчиликлари ва салбий томонларини очиб беришда янги бадиий усуллардан сатира, киноядан кенг фойдаланилган.

Қисса ўзининг жозибаси, сюжетнинг ҳаққонийлиги, воқеликни реал акс эттириши, тугуни, воқеалар ривожи ва ечими билан эътиборни ўзига жалб қилади. Феодал Кореяда оддий халқнинг ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрумлиги қисса қаҳрамони Чхунхяннинг фожиавий ҳолати орқали очиб берилади. Шаҳар ҳокимининг ўғли онаси кисэн бўлган қизни учратиб қолади. Йигит билан қиз бир-бирига ошиқ бўлиб, ҳеч қачон айрилмасликка аҳду-паймон қилишиб, никоҳдан ўтадилар. Аслида, Чхунхян ўз ижтимоий келиб чиқишига кўра фақат жория бўлиши мумкин эди. Қиссада севишганларнинг энг самимий, энг нозик ҳис-туйғулари ишончли тарзда ифода этилган. Муҳаббати, севиш ҳуқуқини сабот билан ҳимоя қилган Чхунхян корейс адабиётининг энг яхши аёл образи ҳисобланади. У жамиятнинг энг паст табақасидан бўлса-да, китобхон кўз олдида ўта олижаноб, оддий инсонга хос ички гўзаллиги билан жамиятнинг имтиёзларга эга бўлган қатлами вакилларидан анча устун турган ҳолда гавдаланади.

Қиссада ижтимоий муносабатлардаги адолатсизликлар ошкора фош этилади, ақл-идрок ва инсонпарварликнинг тантана қилишига ишонч ўз аксини топган. Қисса муаллифи амалдор, адолатни тиклаган қироллик тафтишчиси Ли Мон Нённи сюжет тўқимасига олиб киради.

Қиссанинг ўткир сюжетида ёритилган мавзулар ёзувчининг ўз фикр ва ғояларида қанчалик илғор эканлигидан далолат беради. Бундай нуқтаи назар моҳият эътибори билан ўз даврининг энг илғор ғоявий оқими ҳисобланган сирхак ҳаракати вакилларига хосдир. Бироқ бу оқимга тегишли кишилар қанчалик норози эканликларига қарамай, муаллиф ўз идеалини бадиий акс эттиришда феодал жамиятда тенглик ва адолатга эришишга бутун кучи билан интилувчи утопия тарафдори сифатида қолаверди. Таҳлил шуни кўрсатадики, қиссада ўша даврга хос типик воқеа-ҳодисалар акс эттирилган. Қаҳрамонларнинг жамиятда тутган ўрни, маҳаллий ҳокимиятнинг зулм, зўравонликлари, бошқарувдаги диктатура, ҳақорат ва ҳақсизликлар асар бадиий тўқимасининг мукаммаллиги, тафсилотларга бойлигини кўрсатади.

Бу маънода деҳқонлар ҳаётидаги энг муҳим лавҳа – сарой тафтишчиси Ли Мон Нён билан учрашувда уларнинг ҳамжиҳатлик ва якдиллик намойиш этганлари алоҳида урғу билан кўрсатилади. Муаллиф ҳақорат қилинган, хўрланган қиз – Чхунхян ҳимоясига отланган, пировардида судралиб халқдан афв сўрашга тушган қирол тафтишчисига кучли ғазаб билан қарши чиққан деҳқонларни ишончли акс эттирган. Қиссадан жой олган деҳқонлар қўшиғи фаровон ҳаёт ва ёркин чўққиларга эришиш йўлида кураш олиб бораётган халқнинг юксак маънавий қудратини ифодалаб келган [4.90].

Қисса таҳлили шуни кўрсатадики, асар қаҳрамонлари қилаётган ишлари, амаллари билан ҳаққоний акс эттирилган, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Чхунхянга эришмоқчи бўлиб, унга уйланишга аҳд қилган Ли Мён Нон ўз келажаги ҳақида гап кетганда қўрқоқлик қилади, чунки оқсоч хотиннинг қизига уйланса юқори мартабаларга эришишдан маҳрум бўлар эди. Чхунхян эса, аксинча, севги-муҳаббати туфайли чеккан азоб-уқубатлари, изтиробларига қарамай севгилисига бўлган аҳду вафосига содиқ қолди. Бу

ерда вазият илгари ёзилган асарлардагидек фантастик эмас. Бу асарда муаллиф яратган қаҳрамонларнинг образлари бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради: характерлар реал вазиятларда намоён бўлади. Қиссада қизни дарра уриб жазолашга фармон берган шаҳар ҳокимининг шафқатсизлиги, чорасиз қолган қизнинг ҳокимга нисбатан чексиз нафрати, Ли Мон Нёнга бўлган севги ва садоқатининг қудрати кўрсатиб берилган. Қиссада жисман нозик Чхунхяннинг кучли ирода, руҳий куч-қудрат соҳибаси экани яққол акс этган. Асарда қаҳрамоннинг характери жуда кенг, барча мураккабликлари билан очиб берилмаган, лекин унинг қалби, онгидаги ўзгаришлару ички ғалаён, адолатга интилиши, ўз муҳаббати учун курашдаги қатъийлиги яққол сезилади.

Ли Мон Нённинг хизматкори – қиссадаги муҳим образлардан бири бўлиб, у оддий халқ вакили, айёр ва зийраклиги, ўткир ҳажв ҳисси ва кучли қобилияти билан бошқалардан ажралиб туради. Ёзувчи ҳатто ўз хўжайинига ҳам баъзан соя солиб турувчи образни юксак бадиийлик даражасида ярата олган. Бундаги янгилик шуки, корейс мумтоз адабиётида бундай қаҳрамонлар итоаткор, пассив, онги унчалик етилмаган, ҳатто калтафаҳм кишилар сифатида тасвирланган. Бу асарда эса хизматкор нафақат ўз хўжайини билан нутқ санъати борасида баҳслаша оладиган, ҳатто унга ҳаётдан сабоқ бера оладиган, доно инсон сифатида тасвирланган [4.91].

Муаллифнинг реал ҳаёт воқеалари, реал инсонлараро муносабатлар, табиий йўл билан ечими топиладиган, турли илоҳий кучларсиз ўзаро муроса йўли билан ҳал этилиши мумкин тўқнашувлар, келишмовчиликларнинг реал сабабларига мурожаати қисса жанрини бошқа жанрлардан алоҳида ажратиб турувчи хусусият ҳисобланади.

Воқеа-ҳодисалар драматизми манбаи ҳисобланган марказий оппозиция тасвири янгилик ҳисобланади. Бу дворянлар ва янбанлар ҳамда паст табақага хос кишилардир. Ҳукмдор Чхунхянни ўзига жория бўлишга мажбур қилаётганида, ҳатто аҳвол қизни қийнаш даражасига етганида асар драматизми ўзининг энг юксак поғонасига кўтарилади. Бироқ Чхунхян ўз маҳбубига хиёнат қилишдан кўра ўлимни афзал кўриб, хўрлаш, таҳқирларга сабот билан бардош беради. Натижада қиз вафо-садоқати, севгиси учун тақдирланади. Шуни таъкидлаш жоизки, муаллиф ўз қаҳрамонларининг маънавий дунёсини очиб бериш учун турли хил бадиий усулларга мурожаат қилади. Жумладан, чуқур маънога эга насиҳатомуз парчалар, туш таърифлари каби бадиий деталлардан кенг фойдаланади.

Қиссанинг яна бир ўзига хос хусусиятини таъкидламоқ керак. Бу қиссанинг бошланиши ва ниҳоясида берилган фаровон ҳаёт ҳақидаги ўхшаш фикрлардир. Улар асарнинг утопик ниҳояси, мақтов, тантана қисмини ташкил этади. Бунда муаллиф севги-муҳаббат ва вафо-садоқат чегарасидан ташқарига чиқиб, унга ижтимоий-ахлоқий оҳанг бахш этади.

Қиссада халқ манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, эскирган давлат ҳокимияти, табақаларга хос урф-одатлар танқид остига олинган, маърифий фикрлар ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, “Чхунхян ҳақидаги қисса” XVIII аср корейс адабиётининг қаҳрамонлар тақдири реал ҳаёт шароитларида кечувчи ягона намунаси эмас. Кўриб чиқилаётган тарихий даврга тегишли “Икки билакнинг ажойиб бирлашуви” романи ҳам шундай. Нима бўлганда ҳам, XVII аср охирида “Чхунхян ҳақидаги қисса”нинг юзага келиши реализм методининг воқеликни бадиий образларда акс эттиришнинг ягона методи сифатида ёрқин шаклланганидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, XVII-XVIII асрлар корейс адабиёти тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятига сингиб боришга тинимсиз уринган. Бунда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг хусусий, аниқ аломатларини ўзлаштириш, воқеликни бадиий акс эттиришнинг янги усул ва йўллари, ундаги асосий иштирокчи саналган инсон образини яратиш йўллари изланган. Сюжет яратиш, персонажлар ва уларнинг ички оламини қайта акс эттиришнинг янги усуллари билан тавсифланувчи бу жадал қадамга эскириб қолган *пхесол* [5] адабиётининг парчаланиши ҳамда қисса жанрини эслатувчи асар турларининг яратилиши орқали эришилдики, бу нарса корейс халқининг миллий руҳи билан тўла ҳамоҳанг эди.

Адабиётлар:

1. Пак Соный. История старой корейской повествовательной литературы. – Сеул, 1964.
2. Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.).- СПб., 2004
3. Верная Чхунхян. Корейские классические повести XVII – XIX веков / Предисловие Троцевич А. – М: Художественная литература, 1990.

4. Saydazimova U.T., Kim V.N., Choy So Yong va boshq. Koreys adabiyoti. – Toshkent, 2015.
5. Елисеев Д.Д. Корейская средневековая литература пхэсоль. – М., 1968.

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
2016 йил 28 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. К.Омонов)